

**Мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастуридаги болалар
жисмоний ривожланиш талабларини бажариш.**

**Методика обеспечения требований физического развития детей в
государственной программе дошкольного образования.**

**Methods of meeting the requirements of children's physical
development in the state curriculum of preschool education.**

Низамова Сурайё Шавкат кизи

Аннотаци: Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастуридаги болалар жисмоний ривожланиш талабларини бажариш ҳақида фикр юритилган.

Аннотации: В данной статье рассматривается как дети выполняют требования по физическому развитию дошкольного государственного учебного плана.

Annotation: This article discusses how children meet the physical development requirements of a preschools state curriculum.

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, комплекс, ташаббускор, илмий машғулот, касбий компетентлик.

Ключевые слова: физическое воспитание, комплекс, инициатива, научная, учебная, профессиональная компетентность.

Key words: physical education, complex, initiative, scientific, training, professional competence.

Шахсининг шаклланишида, жамиятда ўрнини топа олишида ва унинг ривожига кўшадиган ҳиссасида эрта ёшдаги таълимнинг аҳамияти катта. Ҳақиқатан ҳам, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (OECD) аъзо, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ва иқтисодий муаммолар фақат ривожланиш ва молия бозори билан боғлиқ эмас.

Нобель мукофоти лауреати ва Чикаго университети профессори [Жеймс Хекман](#) (James Heckman) иқтисодий тизимларнинг инсон қобилияти ва кўникмалари (human skills) билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, ҳар қандай йирик иқтисодиёт фуқароларнинг малакаси, билими,

қобилияти ва кўникмалари ривожланишига асосланади. Бинобарин, жамият ва иқтисодий ривожлантириш учун инсон потенциални ривожлантириш ва уни рўёбга чиқариш керак. Ўзбекистон ОАВда кўп такрорланадиган “баркамол авлод” каби идеал мақсадга эришиш учун айнан шу нарса зарур. Мамлакатимиздаги мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим даражаси умумий ўрта таълим даражасидан анча фарқ қилади. Баркамол авлодни етиштириш ўрта мактабдан эмас, мактабгача бўлган даврдан бошланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, жамиятда ҳамма ҳам тенг имкониятга эга эмас ва ушбу омил болалар ривожланишига мактабгача бўлган даврданоқ таъсирини кўрсата бошлайди. Бу кам даромадли оилалар имкониятининг нисбатан камлиги улар ҳаётидаги ночорлик яна давом этишини англатади.

Ижтимоий ҳаётда зарур бўлган асосий кўникмалар ва муваффақиятга эришишга йўналтирилган характер жуда эрта ёшдан шаклланади. Болалар уч ёшга тўлиши билан ҳаётининг кўникмалари орасида фарқ (skills gap) пайдо бўла бошлайди. Уни камайтиришда ёки бутунлай йўқ қилишда ўрта мактабларнинг роли катта эмас, деб ёзади Ҳекман. Шу боис, давлатнинг асосий вазифаси ижтимоий кўникмаларни мактабгача бўлган даврда ривожлантиришдан иборатдир. Ҳекман муваффақиятга эришадиган болаларни тарбиялаш ҳақида сўз юритар экан, бир нарсани унутмасликни уқтиради: генлар ўз ролини ўйнаши мумкин, аммо ижтимоий ва ҳаётининг кўникмалар қотиб қолган тушунчалар эмас. Бола шаклланишида оиланинг аҳамияти катта, шунингдек, атроф муҳит ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшади. Ижтимоий кўникмаларни болага ўргатишда ва уни шахс сифатида шакллантиришда эрта ёшдаги давр жуда муҳим роль ўйнайди.

Олимнинг ҳисоб-китобига кўра, эрта таълим учун сарфланган харажатларнинг камида 13 фоизи келажакда “жамиятга қайтади”. Болаларда ижтимоий кўникмаларнинг эрта ёшдан когнитив қобилият билан бирга ривожлантирилиши келгусида жамиятга фойда келтирадиган фуқароларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Биринчидан, турли ижтимоий тоифага мансуб болаларнинг эрта ёшда ривожланишида пайдо бўлган фарқ улар келажакда эришадиган муваффақият ва ютуқлар орасидаги тафовут ортишига сабаб бўлади. Аммо *мактабгача бўлган даврдаги таълим орқали* бунинг олдини олиш мумкин. Ҳекман ўтказган [тадқиқотга](#) кўра, болаларни эрта ёшдан ривожлантиришга маблағ сарфлаш кейинчалик улар орасидаги ривожланиш фарқи даражасини “ёпиш”дан кўра анча самаралидир.

Иккинчидан, *бу болаларнинг соғлигига ижобий таъсир кўрсатади*. Кам даромадли оилаларда туғилган болалар учун эрта ёшдан бошлаб таълим олиш имкониятларини яратиш, уларнинг соғлом ва тўлақонли овқатланишига кўмаклашиш соғлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, бу келажакда фуқароларнинг даромади ошишига олиб келади. Ҳекман тадқиқоти натижаларига кўра, Ямайкадаги камбағал болаларнинг АҚШдаги хонадонларга меҳмон бўлиш дастури келажакда улар иш ҳақларининг бошқаларга нисбатан 25 фоиз кўтарилишига сабаб бўлди.

Тўртинчидан, Ҳекманнинг айтишича, бу – “*мантиқий чора*”. Мактабгача ёшдаги болалар дастурларига маблағ ажратиш аҳамиятли экани дунёнинг кўплаб мамлакатларида эътироф этилмоқда.

Мактабгача таълим тизими сифатининг пастлиги ва республикадаги, бор-йўғи, 3-7 ёшли болалар учдан бир қисмининг МТМларга қатнаши давлат идораларида малакасиз ходимлар кўпайиши ва меҳнат муҳожирлари сонининг тобора ошиб боришидаги муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Мотивация ва қатъиятлиликнинг етишмаслиги одамларни орзуларидан воз кечишга, меҳнат бозоридан четда қолишига ва жамият ривожига ўз хиссасини қўшмасликка етаклайди. Уларнинг маълум қисми уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси ёки фоҳишалик каби ноқонуний йўлларга кириб кетиши мумкин. Буларга қарши курашиш қимматга тушади, шу сабабли болалар келажакда маблағ сарфлаб (сармоя киритиб), жиноятларнинг олдини олиш иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Қобилиятли ва истеъдодли ёшлар ривожланган ва мустаҳкам жамият курувчиларидир. Давлат идоралари муҳтож оилалар учун эрта ёшдан таълим олиш имкониятини ошириш учун кўпроқ ҳаракат қилиши, халқаро ташкилотлар билан бу масалада ҳамкорликни кенгайтириши ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши лозим. Булар Жаҳон банкининг янги лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Hamrayeva, A. (2021). Ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan texnoloik yondoshuv. *Мактабгача таълим журнали*.
2. Hamrayeva, A. (2021). Педагог тарбиячиларда компетентликни ривожлантириш. *Мактабгача таълим журнали*, 3(Preschool education journal).
3. Hamrayeva, A. - Мактабгача таълим журнали, 2021 [Ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan texnoloik yondoshuv](#)
4. [Development of professional competence of the future pedagogical teacher](#)

XA Farxadovna - European Journal of Molecular&Clinical Medicine, 2021

5.Oliy ta'lim muassasasi talabalarining kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning mazmuni

AF Hamrayeva - Academic research in educational sciences, 2021

6.Хамраева, А. Ф. (2021). БЎЛАЖАК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 1082-1086.

7.Хамраева, А. Ф. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТАВФСИФИ. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 1110-1114.